

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОКИМБЕТОВА ГУЛБАХАР АБАТБАЕВНА

БЕРДАҚНИНГ ИЖОДИЙ ИНДИВИДУАЛЛИГИ

10.00.12 – Қорақалпоқ адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2019

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОКИМБЕТОВА ГУЛБАХАР АБАТБАЕВНА

БЕРДАҚНИНГ ИЖОДИЙ ИНДИВИДУАЛЛИГИ

10.00.12 – Қорақалпоқ адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2019

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) на
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Тоқимбетова Гулбахар Абатбаевна

Бердақнинг ижодий индивидуаллиги..... 3

Тоқымбетова Гулбахар Абатбаевна

Творческая индивидуальность Бердаха.....23

Tokimbetova Gulbakhar Abatbaevna

The creative individuality of Berdakh.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....47

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PHD/Fil203 билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.karsu.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Жаримбетов Қурбанбай Қудайназарович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бекбергенова Зияда Утеповна
филология фанлари доктори (DSc)

Ешниязова Элмира Науризбаевна
филология фанлари номзоди

Етакчи муассаса:

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Fil.20.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «1» сентябр куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдилов кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-59-25, факс: (99861) 223-59-25; e-mail: karsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (22 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдилов кўчаси, 1. Тел.: (99861)223-59-25, факс: (99861)223-59-25; e-mail: karsu_info@edu.uz.

Диссертация автореферати 2019 йил «26» ноябр куни тарқатилди.
(2019 йил «26» ноябр даги 72 рақамли реестр баённомаси).



Ш.Н.Абдиназимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Г.Е.Карлибаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д. (DSc)

М.С.Қудайбергенов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси в.в.б., филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида миллий адабий мерос, бинобарин, мумтоз сўз санъаткорлари ижодини илмий-назарий тафаккур доирасида ўрганиш муаммоси ҳар доим ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зеро, йиллар мобайнида янгиланаётган, илмий нуқтаи назардан такомиллашаётган илмий методлар тизимида тарихий-филологик ва назарий поэтика тажрибаларини ижодкор услубий-шаклий изланишларига татбиқ этиш, уларни жанр, услуб, адабий анъаналар, композиция, сюжет, бадиий образ поэтикаси негизида умумлаштириш нафақат миллий, балки жаҳон адабиётшунослигининг асосий масалалари ҳисобланади.

Дунё адабиётшунослигида ҳар бир миллий адабиётда ўзига хос ўрин тутадиган, ушбу миллий адабиёт тарихий такомилни белгилашда алоҳида ажралиб турадиган етакчи ижодкорлар адабий меросини ҳар томонлама ўрганишда, айниқса, уларнинг ижодий индивидуаллигини белгилашда бир қатор устувор йўналишларда илмий изланишлар олиб борилмоқта. Зеро, ҳар бир халқ миллий менталитети ўзига хосликлари нуқтаи назаридан ушбу халқ мумтоз адабиёти етакчи намояндалари ижоди кейинги даврлар ижодкорлари учун анъанавийлик маҳсули бўладики, шу жиҳатдан атоқли қорақалпоқ шоири Бердақ Қарғабой ўғли (1827-1900) адабий меросини ижодий индивидуаллик йўналишда тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этади. Шу маънода, Бердақ Қарғабай ўғли ижодида индивидуаллик моҳиятини адабий тафаккур илғор тажрибалари негизида тадқиқ этиш ҳаётий эҳтиёжлар ҳосил қилади. Қорақалпоқ халқи ҳам бой тарихий маданияти, ўзига хос турмуш тарзи, миллий психологияси, менталитетига эга халқ сифатида мунтазам истеъдодларни кашф қилган бўлса, улар орасида Бердақ шоир мустаҳкам ўрин эгаллайди.

Мустақиллик йилларида адабиётшунослигимизда бадиий асарларни ижодий индивидуал услуб нуқтаи назаридан тадқиқ этиш борасида жиддий ютуқларга эришилди. Ҳозирги ўзбек адабиётшунослигида бадиий асарни таҳлил қилиш, ижодкорнинг поэтик маҳоратини ёритишда жаҳон адабиётшунослигининг турли тадқиқот методлари асосида ёндашув сезилмоқда. Шунингдек, бадиий образ яратишда ижодий индивидуаллик ва адабий таъсир, жаҳон адабиёти намуналари билан қиёсий-типологик, умумийлик ва ўзига хослик каби масалаларни атрофлича тадқиқ этиш зарурати мавжуд. Масалага бундай ёндашиш миллий адабиётимизнинг очилмаган қирраларини очишга ёрдам беради. Бинобарин, «Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу, аввало, халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор эканини, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ»¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” мавзусида Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. – Тошкент, 2017. 4 август.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги VMQ №222-сон «2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарорлари, шунингдек, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг амалдаги ижросига муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида ижод табиати, психологияси, адабий жараён, ижодкор лабораторияси, индивидуал маҳорати масалалари бўйича бир қатор тадқиқотлар мавжуд. Хусусан, рус адабиётшунослигида М.Б.Храпченко, Е.М.Аксенова, В.И.Бурсов, Б.О.Костелянец, А.В.Каравашкин, С.И. Лукаш, Л.И.Скупейко, Н.Л.Лейдерман, Н.И.Плотникова, Т.И.Кубанцев, К.Д. Гордович, Х.И.Баков, У.М.Панеш², ўзбек адабиётида У.Н.Носиров, Ҳ.Болтабоев, Ш.Ғ.Давронова, М.М.Пирназаровалар илмий тадқиқотларида шоир-ёзувчилар ижодида индивидуал маҳорат босқичига кўтарилишида асосий омиллар тўғрисидаги илмий кузатишлар, илмий-назарий хулосалар берилади. Қорақалпоқ адабиётшунослигида ижодий индивидуаллик масаласи бўйича махсус илмий изланишлар олиб борилмаган. Шу боисдан,

² Храпченко Л.И. Проблема творческой индивидуальности писателя и развитие литературы. – М.: Советский писатель, 1972; Скупейко Л.И. Проблема творческой индивидуальности писателя в литературно-критических трудах Ивана Франко: Дис. ... канд. филол. наук. – Киев, 1984; Лейдерман Н.Л. Творческая индивидуальность писателя как объект изучения// Филологический класс. – М.: 2005. – вып. 14; Плотникова Н.И. В.К.Арсеньев: творческая индивидуальность писателя. Жанровое своеобразие прозы: Дис. ... канд. филол. наук. – Владивосток, 2008; Кубанцев Т.И. Творческая индивидуальность писателя в контексте национально-художественных традиций: Дис. ... докт. филол. наук. – Саранск, 2006; Гордович К.Д. Творческая индивидуальность писателя. Учебное пособие. – СПб.: Изд. Петроннй, 2009; Баков Х.И., Панеш У.М. Творческая индивидуальность писателя и литературный процесс (на материале прозы Тембота Керашева)// Вестник Адыгейского государственного университета. Серия-2: Филология и искусствоведение. – Майков, 2018.

муаммони ўрганиш жараёнида, юқорида кайд қилинган илмий-назарий адабиётларга таянилды.

Ҳозиргача Бердақ ижоди ҳар хил аспектларда тадқиқ қилинди. бердақшунослик дастлабки босқичида шоир ижодиётига тегишли материаллар тўпланиб, бадиий матнлар нашр қилинди. Шоир ижоди Н.Давқараев, И.Сағитов, М.Нурмухаммедов, Қ.Айимбетов, Н.Жапақов, А.Каримов, Қ.Байниязов, А.Муртазаев, Ҳ.Ҳамидов, А.Пахратдинов, С.Баҳадирова, Ж.Базарбаев, А.Пирназаров, Қ.Камалов, К.Қурамбаев, Б.Қурбанбаев, Қ.Жаримбетов, Ш.Абдиназимов, К.Алламбергенов, Қ.Юсупов, Қ.Турдибаев, М.Халмуратова, А.Утамбетовалар илмий тадқиқотларида ўрганилди³. Ушбу таҳлилларда Бердақ ижодиётида индивидуаллик ифодаси у ёки бу даражада таҳлилга тортилган. Бироқ ҳануз-ҳанузгача Бердақ шоир ижодий ифода услуби махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Шу маънода, Бердақ шоир ижодий индивидуаллиги масаласини бугунги адабиётшунослик фани эришган муваффақиятлар, илмий-назарий қарашларга таянган ҳолда монографик тадқиқ қилиш ҳаётий эҳтиёж ҳосиласи ҳисобланади.

XIX аср қорақалпоқ мумтоз адабиёти намояндалари ижодий мероси бизга босма шакллар сифатида етиб келмаган. Улар ҳар хил қўлёзмалар, халқ оғзаки ижоди намуналари мисолида сақланган. Ушбу адабий меросни оммалаштириш ва йиғиш фаолияти XX аср аввалидан бошланади. Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими қўлёзмалар жамғармасида тўпланган мумтоз адабиётга оид материалларда турфа ҳар хилликларни учратиш мумкин. Айниқса, аҳолидан ёзиб олинган

³ Давқараев Н. Шығармаларының толық жыйнағы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1979. – Т. III; Сағитов И. Саҳра бўлбили. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1974; Нурмухаммедов М.К. Бердақ – карақалпақ халқының уллы шайыры. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1979; Айымбетов Қ. Халық даналығы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1988. – Б. 172-174; Жапақов Н. Революцияға шекемги карақалпақ әдебиятында реализм мәселеси. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1972; Каримов А. Бердақ шығармаларының текстологиясы ҳаққындағы мәселеге // Бердақ ҳаққында сөз. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977; Байниязов Қ. Бердақ шайырдың айырым шығармалары ҳаққында – Қосықтың күши (қарақалпақ поэзиясы бойынша изертлеўлер жыйнағы). – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977; Муртазаев А. Бердақтың «Ақмақ патша» поэмасы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1979; Шу муаллиф. Бердақ шығармаларындағы заманагөйлик ҳәм шеберлик (Илимий изертлеў). – Нөкис: Қарақалпақстан, 1993; Ҳамидов Ҳ. Рукописное наследие Бердаха. – Нукус: Билим, 1995. Шу муаллиф: Шығыс тиллериндеги жазба дереклер ҳәм XIX әсир карақалпақ шайырлары. – Нөкис: Билим, 1993; Пахратдинов Ә. Бердақ шайырдың дэстанлық шығармалары. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1987; Шу муаллиф: Бердақ шайыр творчествосының жыйналыў, басып шығарылыў ҳәм изертлениў тарийхынан. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1990; Пирназаров А. Бердақ шығармаларында қолланылған дәретиўшилиқ усыллар. – Нөкис, 1998; Шу муаллиф: Бердақ шығармаларының тили. – Нөкис: Билим, 2003; Қурбанбаев Б. Бердақ ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Фан, 1982; Аллаамбергенов К. Қарақалпақ әдебиятында айтыс. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1989; Жәримбетов Қ. Бердақ мийраслары – бизиң руўхый гәзийнемиз. – Нөкис, 1998; Шу муаллиф: XIX әсир карақалпақ лирикасының жанрлық қәсийетлери ҳәм раўажланыў тарийхы. – Нөкис: Билим, 2004; Әбдиназимов Ш. Бердақ дәретпелериниң фонетикасы (Салыстырмалы-тарийхый изертлеў). – Нөкис, 1994; Шу муаллиф: Сөзлерим мерўертдур айтылған ҳәр бир... – Нөкис: Қарақалпақстан, 1997; Шу муаллиф: Бердақ ҳәм карақалпақ жазба әдебий тили. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1997; Бердақ шығармалары тилиниң морфемалық қурылысы. – Нөкис, 2003; Бердақ шығармаларының тили. – Тошкент: Фан, 2006; Юсупов Қ. Образ Айдос бия в карақалпақской литературе: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Нукус, 2002; Турдыбаев Қ. Дидактикалық шығармалар – руўхый байлығымыз. – Нөкис: Билим, 2009; Халмуратова М. XIX аср ва XX аср бошидаги қорақалпоқ адабиётида эпик жанрлар эволюцияси: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Нукус, 2010; Утамбетова А. Бердақнинг «Шажара» достонида фольклористик ва реалистик тасвир усуллариниң қўлланыш хусусиятлари: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Нукус, 2011.

материалларда матний тафовутлар (сўз ўзгариши, мисра, шеър бандлари ўрин алмашинуви) сезиларлидир. Ушбу ҳолат аввал бир қатор илмий-тадқиқот ишлари учун тадқиқот объекти вазифасини бажарган. Бу масала юзасидан бердақшунослик тарихига бағишланган баъзи асарларда кенг маълумотлар берилган⁴.

Бердақшунослик жабҳасида учрайдиган баъзи муаммолар, бир қарашда, аҳамиятсиз туюлса-да, мавжуд қирралар шоир иқтидори, дунёқараши, эстетик тамойиллари, идеали, пафоси, бадий услуби, ифода йўсини каби ижодиётнинг индивидуал маҳоратини аниқлашда муҳим омил вазифасини бажаради. Бердақ асарларини ўрганиш оқсаётгани тадқиқот назарий долзарблигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.

Тадқиқот Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети илмий-тадқиқот режалари «Қорақалпоқ адабиётини ўрганиш ва адабиётшунослик долзарб масалалари», «Ҳозирги филология фанлари долзарб масалалари» мавзусидаги илмий тадқиқот иши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: XIX асрдаги қорақалпоқ мумтоз адабиётининг намояндаси Бердақ шоирнинг ижодий индивидуаллигининг ғоявий-тематик, миллий ўлчам ва бадийлик мезонларини XIX аср тарихий-маданий шароити, адабий анъаналар ва муҳит билан чамбарчас боғлиқликда изчил умумлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

XIX аср қорақалпоқ мумтоз адабиётида ижодий индивидуаллик муаммоси тадқиқотини шарҳлаш ва шоирнинг индивидуал маҳоратини тарихий-маданий шароит, адабий анъаналар, адабий муҳит контекстида белгилаш;

қорақалпоқ адабиётида ижодий ўзига хослик тамойилини тавсифлаш ва шоир ифода услубини қорақалпоқ шеърлятида бадий-эстетик вазифадошлиги силсиласида назарий умумлаштириш;

Шоир лирикасида миллий фольклор анъаналарининг акс этиши, тафсилотларни қайта ишлаш, бойитиш муаллиф ижодий алоҳидалигини таъминлайдиган омиллар эканлигини мантиқий жиҳатдан асослаш;

Бердақ шоир назмида адабий маҳорат ва ижодий изланишлар моҳиятини далолатлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қорақалпоқ мумтоз шоири Бердақ қаламига мансуб «Сайланма асарлари» (1977, 1987, 1997) тадқиқотнинг объекти вазифасини бажарди.

Тадқиқотнинг предмети XIX аср мумтоз шоири Бердақ ижодиётида индивидуал маҳорат қирраларини ўрганиш белгилайди.

⁴ Каримов А. Бердақ шығармаларының текстологиясы ҳаққындағы мәселеге// Эмиўдэрья. – Нөкис, 1977. - № 7. – Б. 112-116; Байниязов Қ. Алтын айтқан хэр бир сөзим// Эмиўдэрья. – Нөкис, 1977. - № 8. – Б. 85-95; Муртазаев А. Бердақ шығармаларына түсиниклер// Бердақ. Таңламалы шығармалары. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1987. – Б. 307-317.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда қиёсий-типологик, бадиий-эстетик, структурал таҳлил методларидан кенг фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

XIX аср қорақалпоқ мумтоз адабиётининг ёрқин намояндаси Бердақ ижодининг поэтик хусусиятлари ва шоир услубий-шаклий изланишлари шакл ва мазмун уйғунлиги ҳамда миллий, маданий, адабий, тарихий, диний қадриятларни тиклаш манфаатлари нуқтаи назаридан умумлаштирилган;

Бердақ асарларида ижодий индивидуаллик босқичига кўтарилишнинг асосий омиллари аниқланган, муаллиф яшаган ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётнинг шоир ижодига таъсири очиқ берилган, шоир ижодига Хоразм адабий муҳити таъсири исботланган;

халқ оғзаки ижоди анъаналари (ғоя, мавзу, образ, жанр) интерпретацияси ва бу борадаги шоирнинг ижодий изланишлари аниқланган ҳамда фольклористик талқини ўзига хослиги ва эпик тафаккур миқёсларидан фойдаланиш маҳорати кўрсатилган;

жанрий изланишлар ва тасвир руҳиятини кўрсатиш ҳамда эстетик баҳолаш ёрдамида ижодий алоҳидалик белгилари адабий анъана ва бадиий маҳорат контекстида аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Бердақ шоир ижодининг ўзига хослиги сўнги давр адабиётшунослигидаги янгича илмий-назарий қарашлар асосида ёритилган;

шоир асарларида халқ оғзаки ижоди ва шарқ мумтоз адабиёти анъаналарининг синтези, шунингдек, асарларининг жанрий ўзига хослиги, лирик қаҳрамон образига хос хусусиятлар кўрсатилган;

Бердақ шоир асарларига хос ғоявий мазмун, жумладан эпик жанрлар – дoston, шажара, ҳикоятларида илгари сурилган ғоялар маънавий-ахлоқий, этик-эстетик такомилда муҳим аҳамият касб этиши аниқланган;

тадқиқот материаллари асосида XIX аср қорақалпоқ мумтоз адабиёти янги илмий маълумотлар билан тўлдирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги мавзуни тадқиқ этиш жараёнида қўлланилган ёндашув ва усуллар, унда фойдаланилган назарий маълумотлар ишончли илмий ва бадиий манбалардан олинганлиги, илмий хулоса ва тавсиялар амалиётга кенг татбиқ этилганлиги, олинган натижалар тегишли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қорақалпоқ мумтоз адабиёти янги тарихини яратиш ҳамда тўлдиришда назарий таянч ва илмий тажриба вазифасини бажариши билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти тадқиқот натижалари бўйича янгиланган дарслик ва ўқув қўлланмалари тузиш, шунингдек, бердақшунослик йўналишида махсус курс ҳамда семинарлар ташкил қилишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Бердақ шоирнинг ижодий индивидуаллик масаласи бўйича олиб борилган тадқиқотлар, олинган илмий натижалар асосида:

Бердақ лирикасида ижодий индивидуалликнинг намоён бўлишидаги ўзига хосликлардан ЎзР ФА ҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий - тадқиқот институтида бажарилаётган ФА-Ф01-005 «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш» мавзусидаги лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2018 йил 23 майдаги 17.01/95-сон маълумотномаси). Ушбу натижаларининг қўлланиши натижасида Бердақ ижодий индивидуаллиги ва бадиий маҳорати бўйича қарашлар янада ойдинлаштирилган;

Бердақ ижодида адабий таъсир, хусусан Хоразм адабий муҳити таъсирининг ўрни ҳақидаги янги хулосалардан Бердақ миллий музейида Бердақ ҳаёти ва ижоди бўйича экспозицияни бойитишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2017 йил 25 августдаги 2-04/705-1-сон маълумотномаси). Натижада Бердақ Қарғабой ўғли асарларининг турфа ўзига хос хусусиятлари ва жанрий новаторлигини кўрсатишга эришилган;

Бердақ ижодининг ёш авлод маънавиятини шакллантиришдаги ўрни ҳамда миллий ўзликни англашдаги аҳамиятига доир илмий-назарий хулосалардан Қорақалпоғистон Республикаси телерадиоканалининг «Адабиёт ва давр», «Сўнмас юлдузлар», «Адабий портрет», «Тарихий шахслар», «Халқ дурдонасидан», «Ёшлар учун», «Мерос» 2018 йил апрель ойидаги кўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг 2018 йил 25 декабрдаги 01-02/542-сон маълумотномаси). Бу эса шоир ижодининг қорақалпоқ мумтоз адабиётидаги ўзига хос услуби ва табиатини тавсифлашга кенг йўл очган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 17 та илмий анжуман, жумладан, 9 та республика ва 8 та халқаро конференция маърузаларида кенг илмий жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 26 та илмий мақола чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 мақола, шундан, 7 мақола республика, 2 мақола хорижий давлатлар журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 136 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «Кириш» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предмети ва

объекти аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб,

унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Қорақалпоқ адабиётида ижодий индивидуаллик масаласи ҳақида**» дея номланади. Дастлабки боб икки бўлимдан иборат. «**Адабиётшуносликда ижодий индивидуаллик масаласини ўрганишнинг назарий масалалари**» деб аталадиган биринчи фаслда Бердақнинг ижодий индивидуаллиги, ифода услуби, тадқиқотнинг асосий илмий шартларга тўхтаб ўтилади. Бадиий асар услуби ва муаллиф ифода йўсини бўйича жорий адабиётшунослик фанида тўпланган назарий тажриба воситасида шоир ижоди таҳлилланади. Муаллиф ижодий индивидуаллиги рус адабиётшунослигида М.Б.Храпченко, Е.М.Аксенова, В.И.Бурсов, Б.О.Костелянец, Л. И. Скупейко⁵, ўзбек адабиётшунослигида Ў.Носиров, Х.Болтабоев, С.Мамажонов⁶ларнинг тадқиқотларида илмий-назарий жиҳатдан махсус ўрганилади. Шунингдек, баъзи сўз санъаткорлари ижоди билан боғлиқ ҳолда муаллиф поэтик маҳорати, услуби, тасвир йўсинига бағишланган бир қатор илмий изланишлар мавжуд. Улар орасида М.Султонованинг «Абдулла Қаҳҳорнинг маҳоратининг баъзи қирралари» (1967) ва «Ёзувчи услубига доир» (1969), А.Рустамовнинг «Навойнинг бадиий маҳорати» (1979), М.Кўшжоновнинг «А.Қодирийнинг тасвирлаш маҳорати» (1978), С.Мамажоновнинг «Услуб жилолари» (1972) монографиялари ҳамда О.Шарафиддиновнинг «Индивидуаллик сирлари» (Шукур Холмирзаев), И.Ғафуровнинг «Ўртоқ шоир» (М.Шайхзода) мақолаларини таъкидлаш жоиз⁷. Қорақалпоқ адабиётшунослигида ижодий индивидуаллик масаласи бўйича махсус тадқиқотлар яратилмаган. Бироқ, диссертацион ишнинг тадқиқот предмети сифатида танланган Бердақ ижоди бўйича тадқиқотлар, махсус монографияларда масаланинг у ёки бу қирраси ўрганилади. Жумладан, Н.Давқарев, И.Сағитовларнинг илмий тадқиқотлари бу борада ҳам жиддий изланишлар олиб борилганлигини далолатлайди⁸.

Биринчи бобнинг «**XIX асрдаги тарихий давр адабий муҳити ва Бердақ ижоди**» деб номланадиган иккинчи фаслида Бердақнинг ижодий индивидуаллик босқичига кўтарилиши фақат шоир истеъдоди билан боғлиқ

⁵ Храпченко М.Б. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. – М.: Советский писатель, 1971; Аксенова Е.М. Лекции по специальному курсу структуры творческой индивидуальности писателя. – Владимир, 1970; Бурсов В.И., Костелянец Б.О. Художественный метод и творческая индивидуальность писателя. – М, 1964; Скупейко Л.И. Проблема творческой индивидуальности писателя в литературно-критических трудах Ивана Франко: Автореф. дис. ... канд филол. наук. – Киев, 1984.

⁶ Носиров У. Ижодкор шахс, бадиий услуб, автор образи. – Тошкент: Фан, 1981; Шу муаллиф. Образларда услуб жилолари. – Тошкент: Фан, 1991; Болтабоев Х. Наср ва услуб. – Тошкент: Фан, 1992; Мамажанов С. Услуб жилолари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.

⁷ Қаранг: Болтабоев Х. Наср ва услуб. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 7.

⁸ Дәўқараев Н. Шығармаларынын толық жыйнағы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1979. – Т. III. – Б. 150-151; Сағыйтов И. Сахра бўлбили. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1974. – Б. 292-293.

эмас, балки шоир иқтидори шаклланган ижтимоий-тарихий шароит таъсирида вужудга келганига урғу берилади. «Тарихий шароит, давр муайян бир ижодий дунёқарашни асосий ўринга кўтаради. Ёки тарихий ривожланишнинг янги босқичи ўзидан олдинги босқичда ҳукмрон ижодий индивидуаллик ўрнига ўз талаб ва мақсадига мувофиқ келган ижодий индивидуалликни биринчи планга ўтказиб, унинг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратади»⁹. Бердақ худди шу тарихий-ижтимоий муҳит иқтидорли вакили. Бу ҳақда XIX қорақалпоқ лирикасини ўрганган олим Қ.Жаримбетов шундай ёзади: «Халқ дардини куйлайдиган, номусини ҳимоя қиладиган, миллат маънавият ўзига хослигини тасвирлайдиган янги бадиий адабиёт яратилишини тарихий шароит тақозолайди. XIX асрда Кунхожа, Ажиниёз, Бердақ шоирларнинг майдонга келиши ва шаклланиши жорий тарихий муҳит меваси эди»¹⁰.

Бердақ ижодига таъсир ўтказган маънавий таянч сифатида халқ оғзаки ижоди билан бирга XIX асрда қорақалпоқлар орасида кенг тарқалган шарқ ёзма адабий ёдгорликлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Улар орасида шарқ ва ғарбда машҳур бўлган «Юсуф-Аҳмад», «Гўруғли», «Ошиқ Ғариб», «Минг бир кеча», «Тўтинома»лар баробарида Фирдавсий, Саъдий, Навоий, Мақтумқули каби шоирлар адабий мероси қорақалпоқлар орасида кенг тарқалган ва жорий ҳолат миллий-адабий тафаккурга узлуксиз таъсир ўтказган. Мавжуд обидалар халқнинг маънавий дунёсини бойитишда, онг-туйғусини юксалтиришда, шоирларнинг ифода услуби такомлида адабий тажриба вазифасини ўтайди.

Энг муҳими, Бердақ шоир ижодида, шунингдек, XIX аср қорақалпоқ шоирлари ижоди ғоявий асослари, тематикаси, мундарижаси муҳим ўрин тутаяди. Бинобарин, қорақалпоқ шеърини шаклланишида Махтумқули поэзияси таъсири сезилади. Жорий масала бир қатор тадқиқотларда ўрганилган. Хусусан, Қ.Байниязов, А.Муртазаев, Ҳ.Ҳамидов, К.Қурамабаев, К.Мамбетов, Қ.Жаримбетов, П.Алламбергеноваларнинг тадқиқотларида Махтумқули ижоди ва қорақалпоқ адабий муҳити алоқаси таҳлилга тортилган. Тадқиқот мобайнида жорий масала атрофида ҳам тўхталиб ўтилади.

Диссертациянинг **«Бердақ лирикасининг жанрий табиати, услубий хусусиятлари»** дея номланган иккинчи боб икки фаслдан иборат. Фасллар куйидагича номланади: **«Бердақ поэзиясининг бадиий-эстетик манбалари ва индивидуаллиги»** ва **«Бердақ лирикаси: жанрий табиати, тематикаси, ғоявий йўналишлари»**.

Биринчи фаслда бадиий-эстетик таянч маркази белгиланади. Шоир поэзиясининг поэтик манбалари жуда бой. У халқ ижодиётини теран ўзлаштириши билан бирга шарқ адабиёти мумтоз анъаналаридан самарали фойдаланади. Шу боис, Бердақ лирикаси ўз тузилишига кўра халқ ижодининг мавзу доираси, ғоявий мундарижасини, бинобарин, ҳар хил

⁹ Носиров Ў. Ижодкор шахс, бадиий услуб, автор образи. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 17.

¹⁰ Жаримбетов Қ. XIX аср қорақалпоқ лирикасининг жанрлық қасийетлари ҳам раўажланыў тарихи. – Нөкис: Билим, 2004. – Б. 38.

мотивлар, образлар табиатини эслатади. Бердақ ижодининг катта бир қисмини унинг дostonлари эгаллайди. Шоир ижодида фольклор анъаналари ва ёзма адабиёт тажрибаси синтези, шоир фольклор мотивларидан фойдаланиш усуллари, сюжет яратиш маҳорати, образ яратишда фольклор таъсири, шарқ китобий услубига ҳамоҳангликни ўрганиш Бердақ ижодий индивидуаллигини белгилашда муҳим омил вазифасини бажаради. Адабиётшунос олим Қ.Жаримбетов XIX аср қорақалпоқ лирикасини адабий тур сифатида тадқиқ саҳнига чиқариб, лирик ифода хусусиятлари, ғоявий мундарижаси, услубий-шаклий ўзига хослигини яхлитликда ўрганади, лириканинг жанр сифатида пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланишини махсус йўналишда таҳлиллайди. Шу асосда XIX аср қорақалпоқ лирикасининг жанрий ўзига хосликларини белгилайди ва таснифлайди. Бобнинг жорий фаслини ёзишда мавжуд тадқиқотдаги илмий-назарий хулосаларга суяндик. Ишда Бердақ лирикасини жанрий, ғоявий ва мавзувий ва образлар тизими нуқтаи назаридан ўргандик.

Бердақ шоир лирикасида халқ дидактикасига хос фикрлар, ўй-хаёллар, дунёқараш унинг «Қашан раҳатланадурсан», «Халық ушын», «Жақсырақ», «Балам» шеърларида, ижтимоий мотивлар «Салық», «Мениң», «Ақыбет», «Жаз келер ме?», «Быйыл», «Заманда», «Болмады», «Көринди», «Билмедим», «Қарамас» шеърларида бўртиб туради. Шоир адабий талқинида ижтимоий-сиёсий тузум, адолатсизликни тасвирлашда публицистик оҳанг, фольклордаги хотин-қизлар мавзуси Бердақ ижоди орқали алоҳида мавзуй йўналиш сифатида шаклланиб ижтимоий мазмунга эга бўлиши («Ойланба», «Келин» шеърлари), ғоявий йўналиш халқ оғзаки ижоди ва Алишер Навоий, Аҳмад Яссавий, Мақтумқули шеъриятига типологик муштараклиги таҳлил асосида далолатланади. Бердақнинг индивидуал маҳоратида миллий манба – халқ оғзаки ижоди поэтик анъаналарига мойиллик бир қадар кучли. Негаки, бадиий дидактика халқ руҳиятига дахлдор нозик кузатиш ва жонли мушоҳадани ўз ичига олади. Худди шу тасвирлашнинг ҳаётни қамраб олиш даражаси кенглиги ижодкорнинг поэтик индивидуаллигини кўрсатадиган асосий адабий кўрсаткич ҳисобланади:

Шоир эдим кўзим кўрганини ёздим,
Кўнглим сезиб билганини ёздим,
Замон қисматида сарғайдим, оздим,
Келарми деб ёруғ кунлар халқ учун.

Муалиф шеър ва шоирлик ҳақида фикр юритар экан, ҳақиқатни англаш ва изоҳлашни асосий ўлчам даражасига кўтаради. Шоир энди камол топаётган туйғулар сирли оламини турмуш зиддиятларига қарама-қарши кўяди. Мураккабликлар исқанжасида ўзлигини ахтараётган, оқ-қорани ажратаётган жараёни ўз нуқтаи назари билан баҳолай оладиган инсон портретини чизади. Ҳаёт ҳақиқатини англаётган лирик қаҳрамон истаги руҳий камолотга эришишдан иборат. Шеър матнидаги «ёруғ кунлар» мантиқий таъкиди замирида ўкинч-армон юки устувор бўлса-да, истиқболга ишонч ҳисси бадиий тўқималарни жилвалантиради. Поэтик туртки босими

ва фалсафий-руҳий таҳлил уйғунлигига қурилган сатрларда ифода давомати кабариб кўринади.

Бердақ шоир Алишер Навоий ғазалларига ҳамоҳанг давр зиддиятлари, замон норасолигини интим кайфиятга туташтиради. Унда умуминсоний мотивлар шахсий кузатишга пайвандланади, оҳори тўкилмаган руҳга эврилади:

Дуньяға келдим не кўрдим?
Қайғы-ҳэсиретте көп жүрдим,
Ада болмас иште дэртим,
Ҳэш ким сөзин салған емес.

Шоир шеърларида туркман мумтоз шоири Махтумқули ижодий анъаналари таъсири кўзга ташланади. «Излар эдим» шеърисида буюк шоирга эҳтироми шундай жилваланади:

Мақтымқулыны оқығанда,
Айтар едим ҳэр заманда,
Кемис бар ма, беглер, онда,
Сөзин таўап қылар едим.

«Оқибат» шеърисида жорий мавзу мантиқан бойитилади:

Мақтымқулы шайыр еди,
Дос-яраны мақтар еди,
Ол да мендей сорлы еди,
Келгей ақыры ақыбет-

Лавҳада шоир Махтумқули ва ўзи яшаган давр манзараларини муқояса қилади, адолатсизлик миллат ва макон танламаслигига алоҳида урғу беради.

XVIII асрда яшаган туркман шоири Махтумқули ва Бердақ ижодини қиёсан ўрганган проф. К.Қурамбаев: «Бердақ Махтимқули анъаналарини ўзига хос шакл ва мазмунда давом эттирди. Шоирнинг баъзи шеърлари услуб жиҳатидан Махтумқулининг бармоқ вазнида яратган термаларини эслатади. Бироқ бу муштараклик мавзу доираси умумийлиги билан изоҳланади. Халқчиллик ғоялари ҳар бир шоирда ўзгача овоз ва ўзига хос поэтик оҳангда берилади»¹¹. Дарҳақиқат, Бердақнинг замон, давр, эл-юрт тўғрисидаги шеърларида умумийликдан кўра аниқ вақт ва воқелик, манзиллар келтирилади. Жорий ҳолатни давр лирикасини тадқиқ қилган проф. Қ.Жаримбетов ҳам қайд қилади¹². Бинобарин, Махтумқули замонасидаги тарихий, сиёсий, ижтимоий шароит XIX асрда яшаган Бердақ давридаги тарихий муҳит билан муштарак эди. Шу боисдан, бу икки шоир дунёқараши, асарларда акс этган ғоявий мазмун бир-бирига яқинлашади.

Шундай экан, Бердақ лирикаси жанр жиҳатдан шаклланиши, ғоявий-тематик нуқтаи назардан ўзгаришида тарихий шароит адабий муҳит ва фольклор эстетикаси, шунингдек, Шарқ мумтоз шоирлари таъсири кўзга ташланади.

¹¹ Қурамбаев К. Махтумқули – илҳом чашмаси. – Тошкент: Тафаккур, 2012. – Б. 204.

¹² Жаримбетов Қ. XIX эсир қарақалпақ лирикасиның жанрлық қасийетлери хэм раўажлануў тарийхи. – Нөкис: Билим, 2004. – Б. 83-88.

Бобнинг «Бердақ лирикаси: жанрий табиати, тематикаси, ғоявий йўналишлари» деб номланадиган иккинчи фаслида шоир лирикаси таснифланади. Бердақнинг ўзига хос поэзияси – индивидуал изланишлар ҳосиласи. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Ибрайим Юсупов Бердақ шоирнинг қорақалпоқ адабиётидаги ўрни, ижодидаги индивидуалликни қиёсий тарзда қуйидагича баҳолайди; «Бердаққа қадар қорақалпоқ адабиёти аксар ҳолларда оғзаки анъанага мувофиқлашган ашула, кўшиқ табиати (Жийен жыраў), нома кўшиқлари йўлига чиқарилган лирик, фалсафий, сатирик ёки мадҳ шеърлари (Кунхожа, Ажиниёз) даражасида кузатилди. Албатта, бу таърифлар адабиётимиз саҳнида яшаган машҳур шоирларга соя солмайди. Бердақ каби улар ҳам халқ тақдири билан тиллашган сўз санъаткорлари. Бироқ, Бердақ улар вояга етган поэзия майдонини кенгайтириб, тематик ва жанрий жиҳатдан ўзгартириб, унинг халқчиллик – демократик моҳиятини кучайтириб, унга курашчанлик руҳини бериб, мушоҳадасини теранлаштириб, миллий адабиёт даражасини кўтарди. Шунингдек, Бердақ ижодиёти қорақалпоқ адабий тили такомилида мустаҳкам ўрин эгаллайди. Бердақ ўзининг ҳали савод очмаган «сахройи» халқига содда, тушунарли шеър йўлини, шу давр қорақалпоқча нутқ маданияти, шу тилнинг оддий бадииятидан моҳирона фойдаланиб адабийлаштириб бойитди»¹³.

Бердақ поэзияси жанрлар ранг-баранглигига асосланади. У, асосан, халқ поэзияси услубида жуда кўп шеърлар яратган. Шоирнинг шеърлари тинглашга қулай, ўқишга енгил, қофиялари пухта ишланган тўрт мисрали бандлардан иборат. Поэзия бундай жанрини қорақалпоқ адабиётшунослигида кўшиқ деб атайди. Мана, шу кўшиқ жанрида Бердақ ўзининг ажойиб истеъдодини намоён қилган. Шунинг учун ҳам қорақалпоқ адабиётининг сўнгги босқич вакиллари Бердақ шеърятини кўкка кўтариб эҳтиром билан муносабатда бўлади. Ишда Бердақ лирикаси жанрий хусусиятлари, тематикаси бўйича дидактик, публицистик, фалсафий, таъриф ёки тавсиф, юмористик-сатиристтик деб ажратилди ва уларга хос хусусиятлар ўзига хослик таҳлиллар ёрдамида далолатланди.

Бердақ лирикаси ўзининг асосий ўзига хослиги лирик қаҳрамон образи билан изоҳланади. Шоирнинг лирик қаҳрамони ҳақиқат, адолат учун жон койитадиган, адолатсизликни, зўравонликни, зулмни қоралайдиган, ожизлар томонида турадиган меҳрибон инсон образида кўринади.

Өндиреди аш халықтан
Жетим жылайды сонлықтан
Бай аман қалды салықтан
Дөхмет болды төлеў салық

Лирик қаҳрамон ижтимоий тенгсизлик, жамият аъзолари табақаланишини кескин фош қилади:

Бардың иси пәрман менен,

¹³ Юсупов И. Қарақалпақ халқының миллий мақтанышы // Бердақ. Сайланды шығармалары. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1997. – Б. 7.

Жоқтың иси әрман менен,
Зары-гирян болған менен
Кеўлиң кумары болмас.

Бердақнинг лирик қахрамони ўз замонасининг ўйчан, билимдон, ёмонлик, адолатсизлик, зулм билан мурасасиз курашадиган, юраги эзгулик хисси билан тўлган иймонли одам образида кўринади. У ғариб-нотавонларни кўллайди, мулк эгалари, амалдорлар, диний уламоларни (Ийшанларда мўриўбет жок// Ағабий де эдалат жок // Байда қайыр-сақаўат жок // Бир инсапқа кирген емес), ҳатто, подшо ҳукмдорларини кескин (Бул дўнъя, дўнъя болғалы // Патша әдил болған емес) фош қилади.

Шунингдек, шоир шеърлятида лирик қахрамон образидан бошқа кўшимча образлар ҳам мавжуд. Улар ғариб-нотавон образи бошқарувчи гуруҳ йирик сармоядорлар дин вакиллари образлари бўлиб лирик қахрамоннинг бутун қиёфасини, ички дунёсини, инсоний фазилятларини очиб беришга ёрдам беради. Мавжуд образлар, асосан, антитеза усулида сувратланади.

Диссертациянинг учинчи боби «**Бердақ ижодида жанрлар трансформацияси**» дея номланиб, «**Бердақнинг қахрамон образини яратиш маҳорати**» ва «**Бердақ ижодида эпик жанрлар трансформацияланиши**» фаслларида иборат.

Бердақ шоир XIX асрдаги қорақалпоқ халқининг турмуш тарзи, тарихий ўтмишини тасвирлайдиган бир қатор шеърлар билан бирга эпик асарлар ҳам яратади ҳамда давр адабиётини янги эстетик чўкқига кўтарди. «Айдос бий», «Ерназар бий», «Амангелди», «Аҳмоқ подшо», «Шажара» асарлари билан қорақалпоқ адабиёти тарихида янги мазмун ва шаклга эга эпик жанрни бошлаб беради. «Айдос бий», «Ерназар бий», «Амангелди» «Қулен болис» асарлари тарихий-қахрамонлик достони, «Аҳмоқ подшо» ҳақиқий ёзма адабиётдаги дoston жанри намунаси бўлса, «Шажара» ва «Хоразм» дostonлари халқлар тарихида қадрият саналган насл-насабнинг поэзиядаги намунасидан иборат.

Бу даврда халқ орзу-армонлари, мақсад-интилишларини жилвалантирган фольклор намуналари ва ёзма адабиёт баробар ривожланади ҳамда ёзма адабиётнинг шаклланиши, ривожланишида фольклор аънаналари бадиий эстетик таянч вазифасини бажаради. Бердақ шоир халқ оғзаки ижоди аънаналарига сайқал бериб, янги шакл ва мазмунга эга асарлар яратди. Мана шундай фольклордан ўзлаштирилган тематик аънана мардлик култи, яратганни улуғлаш (култ героизма) билан боғланади. Бердақ шоир XIX аср қорақалпоқ адабиётида бу тематик аънаналарни «Айдос баба», «Ерназар бий», «Амангелди» асарларида давом этиб, ўз ижодида моҳирона фойдаланди. Бироқ жорий ҳолат шоир бутунлай фольклор таъсирида ижод қилди, деган эмас. Шоирнинг зикр қилинган асарлар фольклордаги кўшиқлардан, қахрамонлик дostonлардан тамомила фарқ қилади. Биринчидан, қорақалпоқ халқ оғзаки ижодида яратилган кўшиқларда юрт бошқарган бийлар, элни муҳофаза қилган тарихий шахсларнинг мардона фаолиятига боғлиқ воқеаларни ифтихор туйғуси,

кўтаринги руҳ билан, қаҳрамонлик дostonларда феодал тузум ва шароитнинг дастлабки улуғ-патриархал босқичига оид қаҳрамонлик улуғланади. Халқ ижодиётида мард баҳодирларни улғлаш орқали орзу истаклар тасвирланади. Келгуси авлодга намуна қилиб кўрсатилади. Бердақ шоир ижодида эса бу тематиканинг давом этиши у яшаган давр тарихий-ижтимоий, сиёсий-иқтисодий шароит билан боғланади. Шоир ўз даврининг илғор зиёлилар қаторида истиқомат қилаётган давридаги турмуш тарзида ижтимоий ҳаётга фаол муносабат билдиради. Унинг ижодий индивидуаллиги ҳам давр билан муносабатлардан озикланади. XIX аср қорақалпоқ адабиётида Бердақ ижодиётининг индивидуал характери халқ сиёсий-тарихий маданий турмуши билан туташади. Шу боисдан шоир ижодиётида, айниқса, эпик асарларда ўзликни англаш, миллий мустақиллик ғоясини улуғлаш асосий ўринга чиқади.

Бердақ миллий-озодлик ғояларини ифодалашда фольклор анъаналари (ривоят, мифологик унсурлар) самарали фойдаланилади. «Шажара»да (баъзи лирик шеърларда) ривоят, мифологик унсурлар (сюжетлар, образлар) ижодий ниятига йўналтирилади.

Жамиятга муаммолар теран тасвирланадиган асарлар ва қаҳрамонлик образлари керак бўлади. Бу масалани ечишда муаллиф эпик жанрларнинг имкониятларидан фойдаланади. Фольклордаги бадий дастурларни қайта ишлаб, ундаги қаҳрамонлик мавзусига мурожаат қилади. Бироқ Бердақнинг қаҳрамон образлари фольклорлик образлар асосида эмас, тарихий прототиплар асосида яратилади.

«Амангелди» «Айдос баба», «Ерназар бий» асарларида ҳам бош қаҳрамонлар образи халқ эпосларидаги баҳодирлар образи каби тасвирланади. Унинг мардлиги «Гўрўғли», «Қоблан», «Алпомиш» каби халқ қаҳрамонлик ижодининг образларини ёдга солади.

Барып душпанды өлтирди,
Геллесин кесип келтирди,
Мөртлигин журтқа билдирди,
Арыслан туўған Амангелди.

Қайтпады бектен хәм ханнан,
Кешерлер шийрин жанынан,
Амангелдиниң қолынан,
Қутылмағы гүман болды...¹⁴.

Унинг мардлиги «Гўрўғли», «Қоблан», «Алпомиш» каби халқ қаҳрамонлик тасвирланган образларни ёдга солади. Негаки, «XIX асрдаги қорақалпоқ адабиёти ўзининг фольклор асосларидан ҳали узоқлаша олмаяпти. Шундан XIX асрдаги қорақалпоқ адабиёти кўп ҳолларда фольклор билан қоришиб яшади»¹⁵. Халқ «Алпомиш», «Қоблан», «Едиге»

¹⁴ Юсупов И. Қарақалпақ халқының миллий мақтанышы // Бердақ. Сайланды шығармалары. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1997. – Б. 113.

¹⁵ Жәрімбетов Қ. XIX әсир қарақалпақ лирикасының жанрлық қәсийетлери хәм раўажланыў тарийхы. – Нөкис: Билим, 2004. – Б. 41.

каби фольклорлик дostonларни яхши кўрадиган, уларни турмушда намуна қиладиган эди. Бердақ шоир ҳам ўз даврининг долзарб масалаларини кенг намойиш қилишда халқ дostonларидаги эпик дастурларни (образ яратиш, маҳаллий тил, бадий усуллар, тасвирлаш воситалари) кенг қўллайди.

